

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**298 Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган
навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация
қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2593*

Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ТЕШАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 20 май,
2-сон

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2014 йил 20 майдаги 2-сон буйруғига
ИЛОВА

**Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган
навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Аprobация ўсимлик навининг генетик жиҳатидан тозалиги, касалликларга, зараркунандаларга чидамлилиги ва экишга мўлжалланган уруғликнинг умумий ҳолатини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

2. Аprobация уруғлик пахта ва ғалла майдонларида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ёки «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг қўшма қарорига асосан ўтказилади.

3. Ҳар бир фермер хўжалиги, туманлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича пахта ва ғалла майдонларида аprobация ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ёки «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази ҳамда Ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ва тегишинча уларнинг худудий бўлинмалари мутахассислари ва селекционер олимлардан иборат Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туман аprobация комиссиялари ташкил этилади.

4. Республика ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят аprobация комиссиялари таркиби манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан, туман аprobация комиссияларининг таркиби манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ёки вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан тасдиқланади.

5. Аprobация ўтказиладиган уруғлик пахта ва ғалла майдонлари Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1551, 2006 йил 13 март) ҳамда Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1794, 2008 йил 17 апрель) мувофиқ аниқланади.

Аprobация уруғлик етиштирувчи илмий тадқиқот институтлари ва илмий муассасаларда ҳам ўтказилади.

6. Аprobация ҳар йили тузиладиган пахта ва ғалла майдонларида аprobация ўтказиш режалари асосида ўтказилади. Мазкур режалар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан;

туманлар кесимида — Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан;

фермер хўжаликлари кесимида — туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан тасдиқланади.

7. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг апробацияси уруғлик майдонларида туман ҳокимининг қарорига мувофиқ ташкил этиладиган туман апробация комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда озуқабоп экинлар апробация қилинадиган майдонлар Озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш ва озуқабоп экинлар уруғлигини етиштириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1820, 2008 йил 10 июнь) мувофиқ аниқланади.

2-боб. Уруғлик пахта майдонларида апробация ўтказиш

8. Апробация уруғлик пахта майдонларида ҳар йили август ойидан бошлаб ўтказилади. Бунда нав тозалиги навлар ва авлодлар бўйича ҳар бир далада алоҳида аниқланади.

9. Навдорликни аниқлашда ўсимликнинг барча морфологик белгилари ушбу нав бўйича муаллиф (хаммуаллиф) томонидан тасдиқланган нав тавсифномасида кўрсатилган белгиларга мос бўлиши лозим. Бунда қуйидаги морфологик белгилар аниқланади:

бош поянинг шакли, ранги, тукланганлик даражаси;

баргининг катта-кичиклиги, ранги ва барг бўлакчаларининг шакли (уч қиррали, беш қиррали, ёйиқ, йиғиқ);

кўсак шакли (думалоқ, тухумсимон, ўткир учли, калта тумшукли, юлдузчасимон, қовурғасимон, кўп чаноқли), катта-кичиклиги, ранги, юзасининг ҳолати (текис-силлиқ);

шоҳланиши (1, 2, 3 ва 4-тип);

гултожи баргининг ранги (оқ, крем ёки лимон ранги).

10. Навдорликни аниқлаш учун экилган уруғлик партиясида ўртача 20 гектар майдоннинг бир хил ривожланган жойидан (контуридан) бир-биридан камида 20 м дан кам бўлмаган масофада жойлашган иккита жўяк танлаб олинади.

Ҳар бир жўякда ўртача (нормал) ривожланган, касалликка чалинмаган, ўсув нуқтаси мавжуд 100 дона соғлом ғўза туплари танлаб олинади ва синчиклаб кўздан кечирилади.

11. Ҳар бир жўякдаги биринчи ўсимликка 1 рақами ёзилган, юзинчи ўсимликка эса, 100 рақами ёзилган ёрлиқ осиб қўйилади.

12. Морфологик белгилари нав тавсифномасига тўғри келмаган ўсимликлар тегишли санокдаги тартиб рақами ёзилган ёрлиқ билан белгиланади ва умумий намунадаги ўсимликка нисбатан фоиз ҳисобида уларнинг умумий улуши аниқланади.

13. Намуналардаги наводорликнинг тўғри аниқланганлигини иккита кузатув ўртасидаги фарқдан ажратиш мумкин. Бунда ҳар бир намунанинг иккита кузатувдаги нав тозалиги орасида йўл қўйиладиган тафовутлар чеклови қуйидагича бўлиши зарур:

нав тозалиги 95 — 100 фоиз бўлганда — 1 фоиз;

нав тозалиги 90 — 94 фоиз бўлганда — 2 фоиз;

нав тозалиги 90 фоиздан паст бўлганда — 4 фоиз.

14. Нав тозалигининг икки кузатувдаги тафовути белгиланган чекловлардан юкори бўлганда, учинчи жўяк танлаб олинishi ва тахлил ўтказилиши керак.

15. Иккита ёки учта кузатувнинг ўртача арифметик қиймати мазкур даладаги нав тозалигини белгилайди.

16. Апробация ўтказиладиган барча уруғлик майдонларида ғўзанинг касалликка чалинганлик даражаси ва кўчат қалинлиги ҳам аниқланиши зарур. Бунда ҳар 10 та ғўза тупи битта намуна сифатида ажратилади.

17. Апробация ўтказиладиган майдонларда ғўзанинг касалликлар билан зарарланганлигини, тўпланган ҳосил микдорини (кўсак сонини) аниқлаш учун элита ва биринчи авлодли майдонларда ҳар бир гектарда 10 тадан, иккинчи ва кейинги авлодли уруғлик майдонларда эса, шахмат усулида ҳар бир гектардан 1 тадан намуна танлаб олинади. Бунда ҳар бир намунадаги 10 та ўсимликдан нечтаси вилт (вертициллёз, фузариоз), нечтаси гоммоз билан зарарланганлиги аниқланиб, мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги уруғлик пахта майдонларида апробация ўтказиш дала журналига қайд этилади.

Охирги икки тупда (тўққизинчи ва ўнинчи тупларда) камида 15 кунлик кўсақлар сони саналади.

Охирги икки тупдаги (тўққизинчи ва ўнинчи туплардаги) гоммоз билан зарарланган (юзаси (сирти) ва банди зарарланган) кўсақлар сони алоҳида саналиб уруғлик пахта майдонларида апробация ўтказиш дала журналидаги тегишли устунга киритилади.

18. Уруғлик майдонлари ғўзаларнинг вилт (вертициллёз, фузариоз) ва гоммоз билан зарарланганлик даражасига кўра қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

а) биринчи гуруҳга:

вилт (вертициллёз) билан 5 фоизгача;

гоммоз билан 5 фоизгача зарарланган майдонлар киритилади.

б) иккинчи гуруҳга:

вилт (вертициллёз) билан 5 фоиздан 15 фоизгача;

вилт (фузариоз) билан 3 фоизгача;

гоммоз билан 5 фоиздан 10 фоизгача (поя ва барги);

ҳосил элементлари гоммоз билан 1 фоизгача зарарланган майдонлар киритилади.

19. Уруғлик пахта майдонларида апробация ўтказиш дала журналида қайд этилган маълумотлар асосида уруғлик пахта етиштирувчи хўжаликлар кесимида ҳар бир дала, селекция навлари ва авлодлари бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда апробация далолатномаси тузилади.

20. Апробация далолатномалари навлар, авлодлар ва майдонлар гуруҳлари бўйича умумлаштирилган ҳолда расмийлаштирилади. Бунда:

фермер хўжаликлари кесимида туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ва пахта тозалаш корхоналарига;

туманлар кесимида Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда «Ўзпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасига топширилади.

Апробация далолатномаларини топширишда мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади.

3-боб. Уруғлик ғалла майдонларида апробация ўтказиш

21. Донли экинлар сут ва мум пишиш фазаларида (вақтида) апробациядан ўтказилади.

22. Илмий тадқиқот институтларининг тажриба хўжаликларидаги кўпайтириш кўчатзорлари, суперэлита ва элита экин майдонларида апробация ўтказувчи комиссия таркибига селекционер, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳосилоти (агрономи) ҳамда туман «Давуруғназоратмаркази» инспекцияси вакили киритилади.

23. Апробация комиссияси томонидан ҳар бир даладан боғлам (намуна) олиниб, таҳлил ўтказилади ва таҳлил натижаларига кўра тегишли апробация далолатномаси тузилади. Ҳар бир уруғлик етиштирувчи хўжаликнинг 450 гектаргача бўлган майдонидан 150 нуқтадан камида ўнтадан поя олиниб, жами 1500 дондан кам бўлмаган боғлам тайёрланади.

24. Кўпайтириш кўчатзори, суперэлита ва элита майдонлари апробация қилинаётганда, ғалла майдонларининг ҳар икки диоганалидан биттадан иккита боғлам, кейинги репродукцияли уруғлик ғалла майдонларининг катта диоганалидан эса, битта боғлам олинади ва алоҳида таҳлил қилинади.

25. Уруғлик майдонларининг умумий экин майдонлари алоҳида апробация қилинади. Намуналар олинган майдоннинг ўзида уларнинг ҳар бирига иккитадан ёрлик ёзиб боғланади. Ёрликларнинг бири боғламни ички томонига, иккинчиси эса, ташқи томонига боғлаб қўйилади.

26. Апробация учун олинган боғламлар икки кун ичида тўлиқ таҳлил қилинади.

Кузги ва баҳорги буғдой, арпа, сули, тритикале таҳлил натижаларига асосан қуйидаги фракцияларга ажратилади:

1-фракция — апробация қилинаётган навнинг яхши ривожланган соғлом поялари;

2-фракция — апробация қилинаётган навга аралашган бошқа нав ва тур поялари;

3-фракция — ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимлик поялари (кузги буғдойда жавдар, арпа; баҳорги буғдойда арпа, арпада буғдой, сули, сулида арпа);

4-фракция — ажратилиши қийин бўлган бегона ўтларнинг поялари (буғдойда мохобел, татар маржумаги, мишатник, тухмак, синеглазка, арпа ва

сулида қоракўза, қилсимон сули, арпада тухмак, ёввойи турп, тарикда кўк ит-қўноқ, ғумай);

5-фракция — бегона ўтларнинг поялари (какра, амброзия ва зарпечакнинг барча турлари, ёввойи кунгабоқар, бурган);

6-фракция — энг хавфли ўтларнинг поялари (ғумай, тухмак, пиёзўт, оддийпечак, буғдойиқ, бўзтикан, бақажўхори, қоракўзалар);

7-фракция — заҳарли ўтларнинг поялари (кампирчопон ва туяқорин);

8-фракция — асосий экиннинг касалланган ва зарарланган поялари (чанг қоракуя, қаттиқ қоракуя);

9-фракция — асосий экиннинг яхши ривожланмаган поялари.

27. Таҳлил натижаларини аниқлашда ҳар бир боғламда бошқа навлар, ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимликлар миқдори 5 фоиздан, пояси ажратилиши қийин бўлган бегона ўтлар аралашмаси 3 фоиздан юқори бўлмаслиги керак.

28. Агар апробация боғламларида Республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатига (рўйхат рақами 2544, 2013 йил 26 декабрь) киритилган зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар борлиги аниқланса, бундай майдонларда етиштирилган уруғликдан фойдаланиш тақиқланади.

29. Ўтказилган апробация бўйича тегишли маълумотлар мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги журналга киритиб борилади.

30. Нав тозаллиги экин майдонлари бўйича текширилганда, апробатор берган кўрсаткич билан бош апробатор ёки инспектор маълумотлари ўртасидаги фарқ кузги ва баҳорги бошоқли дон экинлари бўйича қуйидаги миқдордан ошмаслиги лозим:

элита экин майдонларида — 0,1 фоиз;

I категория экин майдонларида — 0,3 фоиз;

II ва III категория экин майдонларида — 0,6 фоиз.

31. Навдорлик асосий навнинг маҳсулдор поялар сонини (1-фракция) апробация қилинаётган боғламдаги умумий ривожланган поялар сонига (1 ва 2-фракциялар йиғиндисига) нисбати бўйича аниқланади.

32. Экин майдонларининг қоракуя билан зарарланиш даражаси қоракуянинг ҳар бир тури бўйича алоҳида касалланган поялар сонини (3-фракция) умумий ривожланган ҳамда зарарланган барча поялар сонига (1, 2 ва 3-фракциялар йиғиндисига) нисбати бўйича аниқланади.

33. Ажратилиши қийин бўлган бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси ажратилиши қийин бўлган бегона ўтларнинг поялари (4-фракция) сонини умумий ривожланган поялар сони ҳамда ажратилиши қийин бўлган бегона ўтлар поялари сонига (1, 2 ва 4-фракциялар йиғиндисига) нисбати бўйича аниқланади. Ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимликлар билан ифлосланиш даражаси ҳам шундай тартибда аниқланади.

34. 6, 7, 8 ва 9-фракциялардаги поялар сони дона ҳисобида ёзиб қўйилади.

35. Апробация натижалари асосида ҳар бир майдон учун алоҳида апробация далолатномаси расмийлаштирилади.

36. Кўпайтириш кўчатзори, суперэлита ва элита экилган майдонлар учун мазкур низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда апробация далолатномаси тузилади.

37. Дон экинларининг биринчи ва кейинги авлод экилган майдонлар учун мазкур низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда апробация далолатномаси тузилади.

38. Ғалла майдони апробация натижаларига асосан уруғлик учун яроқсиз деб топилганда, мазкур низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда апробация далолатномаси тузилади.

39. Апробация далолатномалари уч нусхада тузилади. Унинг биринчи нусхаси фермер хўжалигига, иккинчи нусхаси туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига, учинчи нусхаси эса, уруғлик донни қабул қилиш корхонасига берилади.

40. Агар апробация таҳлили натижасига кўра, суперэлита ва элита уруғлик майдонлар навдорлиги ёки бошқа кўрсаткичлари бўйича нав тавсифномасида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, навдорлик кўрсаткичлари мувофиқ келадиган бошқа авлод сифатида баҳоланади. Агар навдорлик кўрсаткичлари III категория кўрсаткичларидан ҳам паст бўлса, ғалла майдони уруғлик учун яроқсиз деб топилади.

41. Буғдой, арпа, сули экилган элита уруғлик майдонларда ғалланинг нав тозалиги 99,7 фоиз, чанг қорақуя билан касалланиш даражаси 0,3 фоиз ва қаттиқ қорақуя билан касалланиш даражаси 0,1 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим.

42. Уруғлик майдонларда ғалланинг нав тозалиги I категория учун 99,5 фоиздан, II категория учун 98 фоиздан, III категория учун 95 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

43. Апробация далолатномаларининг рақамлари уруғлик ғалла етиштирувчи хўжаликлар бўйича туман апробация комиссияси томонидан белгиланади.

44. Чанг ва қаттиқ қорақуя билан зарарланган суперэлита ва элита экинзорларидан уруғлик тайёрлаш тақиқланади.

45. Уруғлик ғалла майдонлари қуйидаги ҳолларда уруғлик учун яроқсиз деб топилади:

нав тозалиги 95 фоиздан паст бўлганда;

чанг қорақуя билан зарарланиш даражаси 2 фоиз ва қаттиқ қорақуя билан зарарланиш даражаси 5 фоиздан юқори бўлганда;

ажратилиши қийин бўлган бегона ўтлар поялари билан ифлосланиш даражаси 3 фоиздан юқори бўлганда;

ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимлик турлари билан ифлосланиш даражаси 5 фоиздан юқори бўлганда.

4-боб. Яқуний қоидалар

46. Апробация комиссияси аъзолари апробация учун намуналарнинг тўғри олиниши, уларнинг таҳлил қилиниши, апробация натижаларининг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгардир.

47. Апробация комиссияларининг фаолияти юқори турувчи апробация комиссияси томонидан назорат қилинади.

48. Мазкур низом Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган.

*Ўзбекистон Фермерлари
Кенгаши раиси*

С. ТУРДИЕВ

2014 йил 20 май

*«Ўзпахтасаноат» уюшмаси
бошқаруви раиси*

Ф. ОМОНОВ

2014 йил 20 май

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик
компанияси раиси*

Э. ҚУДРАТОВ

2014 йил 20 май

Экинбоп уруғликлар етиштириш
мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик
экинларини апробация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

УРУҒЛИК ПАХТА МАЙДОНЛАРИДА АПРОБАЦИЯ ЎТКАЗИШ ДАЛА ЖУРНАЛИ

_____ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими

Апробация натижаси бўйича қуйидагилар аниқланди:

Фермер хўжалиги номи _____
Ғўза нави _____
Авлоди _____
Майдони _____

1. Навдорлиги _____ %
2. Кутилаётган ялли ҳосил _____ тн.
3. Уруғлик пахта ҳосилдорлиги _____ ц/га
4. Умумий ҳосилдорлиги _____ ц/га

Шу жумладан, қўлда терилади _____

5. Вилт билан зарарланган ўсимликлар _____ %
6. Гоммоз билан зарарланган ўсимликлар _____ %
мева элементлари _____ %

намунанинг тартиб рақами	намунадаги ўсимликлар сони (10 дона)	Зарарланган ўсимликларни аниқлаш				Навдорликни аниқлаш		
		шундан зарарланганлари		охирги икки ўсимликдаги		намунадаги ўсимликлар сони (100 дона)	навга ҳос бўлмаган ўсимликлар сони	навдорлиги %
		вилт билан	гоммоз билан	жами кўсак сони	гоммоз билан зарарланган кўсаклар сони			

Туман апробация комиссияси:

Экинбоп уруғликлар етиштириш
мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик
экинларини апробация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

АПРОБАЦИЯ ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими _____
2. Фермер хўжалиги номи _____
3. Пахта тозалаш корхонаси _____
4. Пахта қабул қилиш пункти _____
5. Ғўза нави _____
6. Авлоди (экишдаги) _____
7. Уруғлик чигитнинг келиб чиқиши, мувофиқлик сертификати рақами ва санаси _____
8. Апробация якунига қўра навдорлиги ва авлоди _____

1	Апробация ўтказилган майдон, га		Шундан яроқсиз		7	Жами яроқсиз деб тоилган майдон, га	Уруғлик пахта тайёрлаш учун ажратилган				12	Шу жумладан				Фермер хўжалиги томонидан белгиланган уруғлик пахтани ўз вақтида алоҳида териш ва апробация натижаларига мувофиқ топшириш учун масъул шахслар		23	Изоҳ				
	2	Кам ҳосилли ғўзалар, га	кучли зарарланганлари (бирор дала гуруҳига киритилмаган), га				наводорлиги бўйича	майдон, га	кутилаётган ялли ҳосилдорлик, ц/га	кутилаётган уруғлик пахта, ц/га		жами кутилаётган уруғлик пахта, тн	Наводорлиги, %	биринчи гуруҳ						иккинчи гуруҳ		Ф.И.О ва вазифаси	имзо
			вилт билан	гоммоз билан										майдон, га	наводорлиги %					майдон, га	кутилаётган ялли ҳосилдорлик, ц/га		

Туман апробация комиссияси:

орқа томони

298-модда

— 52 —

24 (628)-сон

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Фермер хўжалиги раҳбари қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

1. Аprobация маълумотлари асосида уруғлик пахтани аprobация натижаларига мувофиқ алоҳида навлар, авлодлар, дала гуруҳлари бўйича териш, ташиш ва пахта тайёрлаш пунктига (пахта тозалаш корхонасига) топшириш;
2. Пахта тайёрлаш пунктига (пахта тозалаш корхонасига) топширилган уруғлик пахтани пахта корхонасидан олинадиган форма № ЭХ-1 бўйича йўл-юк хати билан ҳужжатлаштириш;

3. Гоммоз ва бошқа касалликлар билан зарарланган кўсақлардан терилган пахтани алоҳида жойга тўплаш (уруғлик пахта учун фойдаланилаётган майдончага эмас) ва пахта тайёрлаш пунктига техник сифатида алоҳида партия қилиб топшириш;

4. Сувга чанқаб кетган ва кам ҳосилли далалардан, шунингдек вилт, гоммоз, ва бошқа касалликлар билан зарарланган ғўзалар ҳамда кўсақлардан териб олинган пахтани уруғлик учун терилган пахтадан алоҳида топшириш. Уруғлик пахтанинг бир қисмини ҳам касалланган пахта билан қўшиб топширишга йўл қўймаслик.

Аprobация далолатномасининг бир нусхасини олдим: _____
(имзо)

Фермер хўжалиги: _____
(номи, раҳбарининг Ф.И.О.)

Сана: 20 ____ йил « ____ » _____

М.Ў.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳосилотининг (агрономининг) аprobация хулосаси:

(Ф.И.О.) (имзо)

М.Ў.
Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази мутахассисининг хулосаси:

(Ф.И.О.) (имзо)

М.Ў.
Ўза уруғчилиги бирлашмаси вакилининг хулосаси:

(Ф.И.О.) (имзо)

М.Ў.
Назоратчи аprobатор: Пахта уруғчилик лабораторияси мудирининг хулосаси:

(Ф.И.О.) (имзо)

М.Ў.
Фермер хўжалигида аprobация ўтказувчи ҳосилот (агроном):

(Ф.И.О.) (имзо)

М.Ў.

Экинбоп уруғликлар етиштириш
мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик
экинларини апробация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**ДАЛА АПРОБАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ БАРЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛУВЧИ
ДАЛОЛАТНОМА**

20__йил «__» _____

Ғўза нави _____

Авлоди _____

Пахта тайёрлаш пункти (пахта заводи) _____

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими _____

**АПРОБАЦИЯ ЎТКАЗИЛГАН ЭКИНЛАР БЎЙИЧА УМУМИЙ
МАЪЛУМОТЛАР**

Экилган чигитнинг миқдори, тн			Қолган чигитнинг сақланган ҳолати	Уруғлик қаердан олинган (пахта заводи, пахта тайёрлаш пункти)	Уруғлик олинган кун, ой, йил ва юк хати рақами	Партия номери	Сертификат бўйича навдорлиги, рақами ва санаси	Изоҳ
жами олинган	экишга сарф қилинган	қолдиқ						
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Фермер хўжалиги номи		1	
Апробация ўтказиладиган майдон, га		2	
Ўза нави		3	
кам ҳосилли		4	
вилт билан	Зарарланган (бирорта дада туруҳига киритил-маган)	кузда тутилмаган бошқа сабабларга кўра	5
гоммоз билан			6
майдони			7
навдорлиги, %			8
Жами яроқсиз майдон, га		9	
майдон, га		10	
кутилаётган ҳосилдорлик, ц/га		11	
кутилаётган ялни ҳосил, тн		12	
жами кутилаётган уруғлик пахта, тн		13	
майдон, га	1-гuruh	Уруғлик пахта тайёрлаш учун ажратилган ўза шў жумладан	
кутилаётган ҳосилдорлик, ц/га		14	
кутилаётган ялни ҳосил, тн		15	
жами кутилаётган уруғлик пахта, тн		16	
майдон, га	2-гuruh	17	
кутилаётган ҳосилдорлик, ц/га		18	
кутилаётган ялни ҳосил, тн		19	
жами кутилаётган уруғлик пахта, тн		20	
Апробация якуни бўйича навдорлик, %		21	
Апробаторнинг Ф.И.О		22	
		23	

Туман апробация комиссияси:

АПРОБАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ

орқа томони

Экинбоп уруғликлар етиштириш
мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик
экинларини апробация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

24 (628)-сон

**АПРОБАЦИЯ ТАҲЛИЛИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ДАЛА
ЖУРНАЛИ**

Фермер хўжалиги номи	Экин майдони	Нави	Авлоди	Категорияси	Апробация ўтказилган сана	Апробатор хулосаси	Апробация боғламини олганлиги тўғрисида фермер хўжалиги вакилининг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8

— 55 —

298-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

Экинбоп уруғликлар етиштириш
мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик
экинларини апробация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

_____ -СОҢЛИ АПРОБАЦИЯ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил «__» _____

Текширувда қатнашган комиссия аъзолари: _____
(Ф.И.О.)

Селекционер: _____
(Ф.И.О.)

_____ селекция-тажриба ташкилотининг уруғчилик бўйича мутахассиси (элита уруғчилик хўжалигининг ҳосилоти (агрономи) _____
(Ф.И.О.)

_____ далани апробация текширувидан ўтказди _____
_____ далага жойлаштирилган _____
_____ селекция-тажриба ташкилотнинг номи _____
(элита хўжалиги)

_____ вилояти, _____ тумани
_____ уруғ олиш учун.
(элита ва биринчи авлод)

Апробация жараёнида аниқланди:

- 1. Навнинг номи _____ Ботаник тури _____
- 2. Экилган жойи _____ майдон _____ га
(селекция дала-майдон сонда кўрсатилсин)

Нав ҳақида асосий маълумотлар:

- 3. Нав яратилди _____
(селекция-тажриба ташкилотининг номи)
- 4. Нав бошқа станцияга ўтказилган бўлса, унда қайси йилдан ушбу станцияда шу нав билан селекция-уруғчилик ишлари бошланган _____
- 5. Қаердан, қайси йилда, қанча станция элита хўжалиги ушбу нав уруғидан олди, бошланғич материал сифатида қайси уруғ ишлатилди (бошланғич материалнинг уруғ сифати кўрсатилсин) _____
- 6. Апробация қилинган навнинг селекция-уруғчилик ишлари нималардан иборат _____
- 7. Апробация қилинган далага қандай уруғ экилган (суперэлита, элита ва

х. қ.) бошланғич уруғлик материалининг нав софлиги, касаллик ва зараркундалар билан зарарланиши кўрсатилсин _____

(апробация қилинадиган даланинг ҳолати)

8. Экиннинг оралик химоя масофаси:

ушбу ўсимлик навига хос бошқа ўсимлик даласигача масофа _____ м.

9. Олдинги йилда далага экилган экин тури _____

10. Кўз чамасида даланинг бегона ўт билан ифлосланиши (шкала бўйича)

11. Ҳар гектардан кутилаётган ҳосил _____

12. Апробация ўтказилган пайтда ўсимликнинг ривожланиш ҳолати _____

13. Таҳлил натижаси _____

а) ўсимлик боғламлари сони _____

Боғлам тартиб рақами	Майдон, га	Асосий нав		Нав аралашмаларининг таркиби				Асосий экиннинг яхши ривожланмаган поялари сони
		ривожланган поялар сони	%	номи ва миқдори		ҳаммаси		
						миқдори	%	
1								
2								
3								
Ўртача								

Боғлам тартиб рақами	Қийин ажраладиган маданий ўсимликлар аралашмаси				Қийин ажраладиган бегона ўсимликлар билан ифлосланиши				Тақиқланган бегона ўтлар билан ифлосланиши			Зарарли ва захарли бегона ўтлар билан ифлосланиши			Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари ва зараркунандалар билан зарарланганлиги							
	номи ва миқдори		ҳаммаси		номи ва миқдори		ҳаммаси		номи ва миқдори			номи ва миқдори			касалликлар тури ва қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари							
			миқ.				миқ.								миқ.		%		миқ.		%	

14. Туман апробация комиссиясининг хулосаси: _____

15. Туман апробация комиссияси томонидан аниқлаган асосий камчилик ва таклифлар (агар ушбу нав ичида унга хос бўлмаган турлар учраса, албатта унинг қайси томонга ўзгарганлиги кўрсатилади) _____

Туман апробация комиссияси _____ (имзолар) _____

16. Апробация қилинган боғламларни сақлаш учун хўжалик вакилига топширилди _____

(жавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

Туман апробация комиссиясининг хулосаси тўғри: _____

Селекцион тажриба ташкилоти раҳбари _____ (имзо)

Элита-уруғчилик хўжалиги раҳбари _____ (имзо)

Элита-уруғчилик хўжалигининг лаборатория мудири _____ (имзо)

ХЎЖАЛИК МАЖБУРИЯТИ:

Навни яхшилаш, апробация ўтказилган далаларни сифатли сақлаш, ҳосилни ўриб олишдан то уни сотгунгача бўлган ишларнинг сифатли бажарилиши учун масъулдир ҳамда барча қўшимча ташкилий ишларни ўз зиммасига олади ва вақтида бажаради.

Навдор уруғлар бошқа хўжаликларга тарқатиладиган бўлса, «Ўздавуруғназоратмаркази» томонидан берилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси қўшиб беради.

Хўжалик раҳбари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Элита-уруғчилик хўжалиги раҳбари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

20__ йил «__» _____

Экинбоп уруғликлар етиштириш
мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик
экинларини апробация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Далолатномани текширди _____
(лавозими) _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

(вилоят, туман)

Экишга яроқли		Авлоди
		Категорияси

_____ -СОНЛИ АПРОБАЦИЯ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил «__» _____, апробатор _____
(иш жойи ва лавозими)

(Ф.И.О.)

апробация текшируви ўтказилди. _____
(экин тури)

Хўжалик _____
(номи)

туман _____

_____ хўжаликнинг вакили иштирокида
(иш жойи, лавозими, Ф.И.О.)

Апробация натижасига кўра аниқланди:

1. Навнинг номи _____ Ботаник тури _____
(селекция тартиб рақами (агар навга берилган бўлса))

2. Экилган жойи: бригада рақами _____ майдон рақами _____
_____ дала рақами _____

3. Апробация ўтказилган майдон _____

4. Қандай уруғ экилган _____
(ўзиники ёки олинган (қайси ташкилотдан олинган))

5. Экилган уруғга берилган ҳужжат номи, рақами, куни, санаси _____

6. Агар уруғ ўз хўжалигида тайёрланиб экилган бўлса, унда шу нав уруғи-
ни кўпайтириш учун қаердан олган _____

7. Селекцион-тажриба ташкилоти томонидан навнинг элита уруғи қачон яратилган _____

8. Экилган уруғнинг наводорлик сифати: авлоди (келиб чиқиши) _____ категорияси _____ нав софлиги _____%.

9. Хўжаликда ушбу экин турига ўхшаш бошқа нав ёки нав аралашмалари: 20__ йилда улар эгаллаган майдон ва номи _____

10. Бошқа навлардан ажратилган оралиқ ҳимоя масофаси (четдан чангланувчи ўсимликлар учун) _____

(мавжуд ёки мавжуд эмас)

ташкил этади _____.

(метр)

11. Қайси экиндан кейин экилган (ўтмишдош) _____

12. Апробация ўтказилган кунгача ўсимликнинг ривожини _____

13. Даланинг ёввойи ўт билан ифлосланиши (шкала бўйича) _____

14. Ҳар гектардан кутилаётган ҳосил _____

15. Таҳлил натижаси _____
 а) ўсимлик боғламлари сони _____

Боғлам тартиб рақами	Майдон, га	Асосий нав		Нав аралашмаларининг таркиби				Асосий экиннинг яхши ривожланмаган поялари сони
		ривожланган поялар сони	%	номи ва миқдори		ҳаммаси		
				миқдори	%	миқдори	%	
1								
2								
3								
Ўргача								

Боғлам тартиб рақами	Қийин ажраладиган маданий ўсимликлар аралашмаси				Қийин ажраладиган бегона ўсимликлар билан ифлосланиши				Тақиқланган бегона ўтлар билан ифлосланиши			Зарарли ва заҳарли бегона ўтлар билан ифлосланиши			Қишлоқ ҳўжалик экинларининг касалликлари ва зарарқундалар билан зарарланганлиги							
	номи ва миқдори		ҳаммаси		номи ва миқдори		ҳаммаси		номи ва миқдори			номи ва миқдори			касалликлар тури ва қишлоқ ҳўжалик экинлари зарарқундалари							
			миқ.	%			миқ.	%							миқ.		%		миқ.		%	

б) маккажўхори сўтаси асосий тури _____ дона _____ %
 маккажўхори сўтасининг бошқа турлари _____ дона _____ %
 асосий турга хос 100 та сўтадаги уруғнинг ксенийлиги _____ дона
 в) четдан чангланувчиларга хос хусусият _____ %
 г) нўхатнинг ёввойи нўхат билан аралашмаси _____ %

ХўЖАЛИК МАЖБУРИЯТИ:

Навни яхшилаш, апробация ўтказилган далаларни сифатли сақлаш, ҳосилни ўриб олишдан то уни сотгунгача бўлган ишларнинг сифатли бажарилиши учун масъулдир ҳамда барча қўшимча ташкилий ишларни ўз зиммасига олади ва вақтида бажаради.
 Навдор уруғлар бошқа ҳўжаликларга тарқатиладиган бўлса, «Ўздавуруғназоратмаркази» томонидан уруғга берилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси қўшиб беради.

16. Апробатор таклифи: _____

 (Ф.И.О., лавозими)

Хўжалик раҳбари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)
 Катта апробатор _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)
 Инспектор _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Апробатор _____ (имзо)
 Хўжалик вакили _____ (имзо)

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

Экинбоп уруғликлар етиштириш
мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик
экинларини апробация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Далолатномани текширди _____
(иш жойи, лавозими)

(Ф.И.О., имзо)

Навдор ўсимлик далаларининг яроқсизлигини тасдиқлаш

_____ -СОНЛИ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил «__» _____

Мен апробатор _____
(Ф.И.О.)

(лавозими, иш жойи)

Хўжалигининг вакили иштирокида _____

(хўжаликдаги лавозими, Ф.И.О.)

Навдор ўсимлик далаларидан яроқсиз деб топилган _____

_____ нави _____
(навдининг номи)

_____ номли хўжаликка қарашли
_____ тумани

1. Хўжаликнинг навдор ўсимлик экилган ва яроқсиз деб топилган _____-сонли
даласи _____

(га)

Даланинг умумий майдони _____

(га)

2. Таҳлил натижаси _____

а) ўсимлик боғламлари сони _____

Боғлам тартиб рақами	Майдон, га	Асосий нав		Нав аралашмаларининг таркиби				Асосий экиннинг яхши ривожланмаган поялари сони
		ривожланган поялар сони	%	номи ва миқдори		ҳаммаси		
				миқдори	%	миқдори	%	
1								
2								
3								
Ўргача								

Боғлам тартиб рақами	Қийин ажраладиган маданий ўсимликлар аралашмаси		Қийин ажраладиган бегона ўсимликлар билан ифлосланиши		Тақиқланган бегона ўтлар билан ифлосланиши	Зарарли ва заҳарли бегона ўтлар билан ифлосланиши	Қишлоқ ҳўжалик экинларининг касалликлари ва зарарқундалар билан зарарланганлиги														
	номи ва миқдори		номи ва миқдори		номи ва миқдори	номи ва миқдори	касалликлар тури ва қишлоқ ҳўжалик экинлари зарарқундалари														
	миқ.	%	миқ.	%	миқ.	%	миқ.	%	миқ.	%	миқ.	%									

б) Авлоди: _____

в) маккажўхори сўтаси _____ асосий тури « _____ » _____ дона _____ % _____

маккажўхори сўтасининг бошқа турлари « _____ » _____ дона _____ % _____

асосий турга хос 100 та сўтадаги уруғнинг ксенийлиги _____ дона _____ % _____

г) Четдан чанглантирувчиларга хос хусусият _____ % _____

д) Ёввойи хашаки, кўк нўхат билан ифлосланиши « _____ » _____ % _____

3. Қуйидаги камчиликлар туфайли яроқсиз деб топилди _____

4. Апробатор хулосаси _____

5. Апробация қилинган ўсимлик боғи сақлаш учун ҳўжалик вакилига топширилди _____

(лавозими, Ф.И.О.)

20 __ йил « ____ » _____

Апробаторларнинг _____

(Ф.И.О. ва лавозими)

ҳўжалик вакилининг _____

(Ф.И.О. ва лавозими)

ХўЖАЛИК МАЖБУРИЯТИ:

Уруғ етиштирувчи субъект апробаторининг хулосасини бажариш учун масъулдир, шунингдек яроқсиз деб топилган майдондан териб олинган ҳосилни навдор уруғликлар билан аралаштирмаслиги, уни тайёрлов шохобчасига нав далолатномасиз топшириши лозим.

Хўжалик раҳбари _____

(Ф.И.О.)

(имзо)

Апробатор ишининг тўғрилигини текширди: _____

Катта апробатор _____

Инспектор _____

20 __ йил « ____ » _____

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.